



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING F A R M O Y I SH I

2021 года «22» декабря

123-14-0-F/21

Хокимият города Ташкент

"Тошкент ёшлар форуми – 2021" тадбирларини ташқил этиш ва ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрдаги 01-14/1-1448-сонли баёни ижросини таъминлаш, шунингдек, ёшларимизда юртимизда кечаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини уйғотиш, ташаббускор ва истеъдодли ёшларни аниқлаш, уларнинг ўз иқтидорларини намоён этишига имкон яратиш, ёш авлоднинг илм-фан, ижод, маданият ва санъат, спортга бўлган қизиқишини ошириш, талаба ва битирувчилар, уюлмаган ёшларнинг жамиятда муносиб ўрин топишларига кўмаклашиш мақсадида,

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрдаги 01-14/1-1448-сонли баёнига мувофиқ, 2021 йил давомида эришилган натижалар сарҳисоби ва истиқболдаги режаларни белгилашга бағишланган “Тошкент ёшлар форуми-2021” тадбири (кейинги ўринларда -Форум) 2021 йил 20-21 декабрь кунлари ўтказилиши белгиланганлиги инобатга олинсин.

2. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари (Х.Шакиров, Д.Рахимова), Ёшлар ишлари агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси (А.Назиров), туман ҳокимлари:

Ёшлар форуми ва ҳафталиги доирасидаги тадбирларни юқори даражада ўтказиш билан боғлиқ барча харажатлар Вазирлар Маҳкамасининг “Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 11 мартдаги 132-сон қарори ҳамда “Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 28 апрелдаги 250-сон қарори асосида Тошкент шаҳридаги туман ҳокимликлари қошида тузилган “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан ушбу фармойишнинг иловасига мувофиқ Ёшлар ишлари агентлиги Тошкент шаҳар бошқармасининг маҳсус ҳисоб рақамига ўтказиб берилсин.

3. Форумни ўтказиш бўйича буюртмачи этиб Ёшлар ишлари агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси белгилансин.

4. Ёшлар ишлари агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси (А.Назиров):

Форумни ўтказиш учун энг мақбул ташкилотни ўрнатилган тартибда аниқлаш ҳамда тадбирни юқори савияда ўтишини таъминлаш;

Тадбирни ўтказиш учун тузиладиган барча шартномалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 ноябрдаги 1654-сонли кўрсатмаси асосида тузилиши;

ажратилган маблағларни мақсадли сарфланиши таъминлаш, маблағ етмаган ҳолда таклиф киритиш ва орттирилган қисмини “Ёшлар дафтари” жамғармаси қайтарилиши таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Тошкент шаҳридаги Давлат молиявий назорати бошқармаси (Ш.Яриев):

ажратилган маблағни мақсадли сарфланиши устидан назорат ўрнатилсин.

6. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари Х.Шакиров ва Д.Рахимова зиммаларига юклатилсин.

Toshkent shahar hokimi



ARTIKXODJAYEV J. A.

Тошкент шаҳар ҳокимининг
2021 йил 22 декабрдаги
123-14-0-F/21-сон фармойишига
1-илова

“Тошкент ёшларни севади!” шиори остидаги ёшлар ойлиги ҳамда “Тошкент ёшлар форуми – 2021” форумини ўтказиш учун зарур сарф-харажатларга туман ҳокимликлари қошидаги “Ёшлар дафтари” жамғармаси ҳисобидан Ёшлар ишлари агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси ҳисоб рақамига ажратиладиган маблағлар тўғрисида

МАЪЛУМОТ

№	Туман номи	“Ёшлар дафтари”га киритилганлар	Тадбирда иштирок этадиган ёшлар сони	“Ёшлар дафтари” жамғармасидаги мавжуд маблағ (млн.сўм)	Ажратиладиган маблағ суммаси (млн.сўм)
Тошкент шаҳар бўйича жами		32 816	178 000	9 185,0	1 500,0
1.	Бектемир	686	5 000	16,8	X
2.	Мирзо Улуғбек	2 349	20 000	1 694,3	400,0
3.	Миробод	1 402	10 000	505,7	50,0
4.	Олмазор	3 476	20 000	441,2	50,0
5.	Сергели	3 072	15 000	964,8	100,0
6.	Учтепа	4 533	20 000	345,9	X
7.	Чилонзор	2 463	15 000	1 095,6	200,0
8.	Шайхонтохур	3 094	20 000	890,3	100,0

9.	Юнусобод	4 421	15 000	1 906,8	400,0
10.	Яккасарой	1 034	10 000	1 080,8	200,0
11.	Яшнобод	4 764	18 000	160,3	X
12	Янгиҳаёт	1 522	10 000	82,4	X